

ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МАЊНАВИЯТНИНГ РОЛИ.

*Ўзбекистон Республикаси, ИИВ Малака оширии институти ўқитувчиси
Бахромжон Бахтиёрович Турғунбаев.*

Аннотация: Ушбу мақола мамлакатимизда мањнавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ахоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришга қаратилган.

Калим сўзлар: дин, экстремист, террорист, ижтимоий-мањнавий, жамият, ижтимоий тармоқ, давлат, эътиқод.

Аннотация: Данная статья направлена на системную организацию духовно-просветительской работы в нашей стране, повышение эффективности реализуемых в этом направлении мер, повышение интеллектуального потенциала населения, особенно молодежи, самосознания и мировоззрения.

Ключевые слова: религия, экстремист, террорист, социально-духовный, общество, социальная сеть, государство, вера.

Annotasia: This article is aimed at the systematic organization of spiritual and educational work in our country, increasing the effectiveness of the measures implemented in this regard, raising the intellectual potential of the population, especially the youth, self-concept and worldview.

Keywords: religion, extremist, terrorist, socio-spiritual, society, social network, state, belief.

Маълумки, **Ш. Мирзиёев** дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини билан бирга бошқа самовий динлар ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. Дин туфайли инсоният минг йиллар мобайнида бой мањнавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда, одамларнинг эътиқоди ва диний ҳиссиятларидан фойдаланиб, экстремистлар ва террорчилар томонидан содир этилаётган жиноятлар уларнинг асл қиёфасини намоён этмоқда, дейиш мумкин.

Экстремистлар ва террористларнинг ғайри инсоний ва ғайри диний ҳаракатлари бизни доимо хушёр ва огоҳ бўлишга, ҳакиқий диний қадриятларни уларнинг сохта ва ўта ғаразли талқинларидан кескин фарқлашга ёрдам берадиган билимларни эгаллашга ундейди. Шунингдек, терроризмнинг бутунги кунда ўта хавфли сиёсий ҳодисага айланиб

бораётганлиги бир томондан, икиинчи томондан эса унинг диний экстремизм билан чирмашиб кетиш жараёнининг кучайиши, унга қарши курашнинг ягона, янги тизимини шакллантиришни тақазо қилмоқда.

Террорчилик ҳаракатига хос ҳусусиятлар:

- Террорчиларнинг “Зўрлик” давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга эришишини осонлаштирувчи парокандаликка олиб келади” деган ғояга асосланиб ҳаракат қилиши;

- Ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усусларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан амалга оширишга ҳаракат қилиши;

- Унинг муайян сиёсий мақсад ёки амалий натижаларга эмас, балки муайян шаклдаги хуруж натижасида одамлар орасида хавотирли шов-шувга эришиши.

Экстремизм “кескин ҳаракат қилиш” деган луғавий маънони берса, истилоҳий маъноси “аҳоли орсида ўз ақийдавий фикрларини муросасизларча сингдиришга уриниш”дир. Унинг хавфли томони минг йиллардан бери халқимиз орасида амал қилиб келинаётган ақидавий аҳкомлар ва урф одат ва анъаналарни рад этиб, ўзларининг манфаатларига мос келувчи ақидаларини сингдиришларидир.

Бундай бузук ақида эса мусулмонни “кофир”, давлатни “куфр давлати” ва бундай жамият “куфр жамияти” деган қарашларни сингдиришга қаратилгандир. Ақиданинг бундай тарзда бузилиши эса ҳақиқий мўминни кофирликда айблаб қонини тўкишга фатво беришга қаратилганлиги билан хавфлидир. Бундай қарашлар эса ўз навбатида терроризм каби ўта хавфли иллатга замин пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Сўнгги йилларда ақидапараст оқимлар ёшлар ичидаги фаолиятини меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, “хужралар” ташкил этиш, диний экстремистик мазмундаги материалларни электрон кўринишида тарқатиш, интернет орқали тарғибот ўтказиш каби усусларда амалга оширмоқда.

Айниқса, интернет тармоғида ўзини жарангдор номлар билан атаб олган террористик ташкилотлар гўёки ислом равнақи йўлида курашаётган “мужоҳид биродарлар гурухи” экани ҳақидаги тарғибот-ташвиқот кенг кўламда олиб борилаётгани, бунинг оқибатида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан мусулмон ёшлар “ҳижрат” қилиш ва “жиход”да иштирок этиш даъвосида уруш бўлаётган худудларга бориб, ушбу гурух сафига бориб қўшилаётганинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Афсуски, ёшлар муайян қисми бундай бузғунчи оқимларни ҳақиқатда ҳам Ислом динини бутун дунёга тарқатиш, исломий давлат барпо этган ҳолда дунёдаadolat ўрнатишни мақсад қилган ташкилот деб ҳисоблайди. Бундай

фикрловчилар Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам бор экани ҳеч кимга сир эмас.

Бундай ёшлар юқорида қайд этилган худудларда инсонларга қарши содир этилаётган жиноятларни гўёки халифалик қуриш учун жоиз амал ҳисоблаб қаттиқ адашмоқдалар. Аслида, мутаассиб оқим аъзоларининг мақсадлари — “жиход”, “хижрат”, “шахидлик” каби диний тушунчаларни сохта талқин қилиш орқали ёшларимизни оиласи ва яқинларининг таъсиридан чиқариш, ўқиш ёки ишидан ажратиб олиш ҳамда уларни қуролли тўқнашувлар кетаётган Сурия, Ироқ, Афғонистон ёки Покистон каби мамлакатларга жўнатиб, манқурт-жангари ёки “тирик бомба”га айлантиришдан иборат.

Ўзбекистонда дин мамлакатдаги маданий-маънавий анъаналар ва аҳоли маънавий камолоти ривожининг ажралмас қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Дин, жамият ва давлат муносабатлари тизимида манфаатлар уйғунлигини таъминлашда ҳам диннинг улкан ижтимоий гуруҳларни уюштира олиши, бирлашишини таъминловчи мафкуравий вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Бугун мамлакатда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, 16 та диний конфессия аъзолари бағрикенглик тамойили асосида тинч-тотув яшаб келишмоқда. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсатини кенг тарғиб этиш, маънавий, миллий қадриятларга, диний эътиқодга таҳдид соловчи мафкуравий хавфларга, ёт ғояларни тарқатишга қарши кураш борасидаги фаолиятни янада кучайтириш мақсадида иқтидорли, салоҳиятли, диний ва дунёвий фанларни чуқур ўзлаштирган, мафкуравий хуружларга қарши тура оладиган, турли оқимларнинг ёт ғояларига раддия бериш қобилиятига эга малакали диний соҳа мутахассисларини тайёрлашнинг янги, босқичма-босқич тизимини шакллантириш ҳам давлатнинг диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларидан ҳисобланади. Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад-жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, халқимизга азалазалдан хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилатлар ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилишда диний-маърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштирокини оширишdir. Бу ҳақида Президент Шавкат Мирзиёев қуйидаги фикрларни билдиради: “Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни ва аҳолини турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш масаласи барчамиз учун энг асосий масала бўлиб турибди.”

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни беришни жоиз деб билдиқ:

- Маънавий-сиёсий хавфсизликнинг яхлит тизимини шакллантириш учун жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий хавфсизлик тизимини маънавият

билин узвий боғлиқлиги таъминлашнинг энг илгор чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

- Мафкура соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда, миллий ва диний қадриятларимизга мос маънавий озуқани узатишнинг ҳаётий, таъсирчан йўлларини излаш;

- Жамият ва ёшларнинг ғоявий-мафкуравий ҳавфсизлигига масъул бўлган барча ташкилот ва мутассадиларнинг фаоллиги, фидойилигини оширишнинг тизимини ишлаб чиқиш;

- Диний конфессия ва диний ташкилотларнинг профессионал ходимлар имкониятларидан ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, диннинг асл инсонпарварлик, маърифатпарварлик моҳиятини очиб беришда, ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг халқ оммасига тушунтиришда самарали фойдаланиш;

- Миллий ОАВ ва uz доменидаги диний ташкилотлар ва конфессияларнинг расмий сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларининг глобаллашув давридаги таъсир доираларини кенгайтириш, уларда диний эҳтиёж ва манфаатларни муайян даражада қондирилиши орқали маънавий-сиёсий ҳавфсизликка эришиш учун уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чоратадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июль кунидаги «2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6255-сон фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг қонуни экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-489-сон қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 03 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4307-сон қарори.